



2-БЕТ



4-БЕТ

2021 йил 7 сентябрь, сешанба  
№ 36 (1292)

# Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

- 1 1992 йил 8 январь — Адлия вазирлиги ташкил этилди.
- 2 2018 йил 13 апрель — 3666-сонли Президент Қарори билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган этиб белгиланди. Вазирлик ваколатлари кенгайтирилди.
- 3 Уч поғонали принцип бўйича вертикал бошқарув жорий этилиб, туман (шаҳар) адлия бўлимлари ташкил этилди.
- 4 2017 йил 12 декабрь — Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди.
- 5 “E-notarius.uz” ахборот портали ишга туширилиб, хусусий нотариал идоралар ташкил этилди.
- 6 2019 ҳамда 2021 йилларда “Tashkent law spring” (“Тошкент ҳуқуқ баҳори”) I ва II халқаро юридик форуми ўтказилди.
- 7 Хорижий тажриба асосида Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш жараёни тўлиқ электрон шаклга ўтказилди.
- 8 Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи этиб белгиланди.
- 9 Ҳуқуқий ахборот сайтлари — Миллий ҳуқуқий интернет портали, “bolahuqqlari.uz”, “Biznesga maslahat” (Advice for business), test.adliya.uz сайтлари ишга туширилди. Facebook, Youtube, Twitter, Instagram ижтимоий тармоқларида вазирлиқнинг саҳифалари очилди.
- 10 “Мадад” ННТ ва унинг ҳудудий бюрolari орқали ҳамда advice.uz (e-maslahat.uz) ҳуқуқий портали орқали бепул ҳуқуқий маслаҳатлар йўлга қўйилди.
- 11 Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари ташкил этилишига рухсат берилди.
- 12 “E-qaror” тизими орқали ҳоким қарорлари очиқ, шаффоф қабул қилиниши йўлга қўйилди.
- 13 Юристарлар малакасини ошириш марказининг ҳудудий филиаллари ташкил этилди.
- 14 “Open justice” (“Очиқ адлия”) ижтимоий дастури қабул қилиниб, вазирлик маъмурий биносида “Open space” ҳолда иш олиб борилишига ўтилди.
- 15 Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепцияси қабул қилинди.
- 16 Адлия органларида коррупцияга қарши курашиш дастури тасдиқланди.
- 17 Адлия вазирлиги Президент ҳужжатлари ижросини назорат қилиш (“Ijro.gov.uz” тизими) га масъул этиб белгиланди.
- 18 project.gov.uz — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими ишга туширилди.
- 19 Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси қабул қилинди.
- 20 Давлат ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини баҳолаш тизими жорий қилинди.
- 21 “Ҳуқуқий ахборот” телеграм канали (ўзбек, рус, инглиз, қорақалпоқ тилларида) ташкил этилди.

“Адлия вазирлиги — мустақиллик йилларида”




АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН

АМАЛГА ОШИРИЛГАН

30 та муҳим ислоҳот

- 22 Адлия органлари тарихи музейи ташкил этилди.
- 23 THE Impact Ranking рейтингда Тошкент давлат юридик университети (ТДЮУ) 401-ўринни эгаллади (Минглаб университетлар орасидан).
- 24 Худудий адлия бошқармалари ҳузурида юридик хизмат кўрсатиш марказлари республиканинг барча туман (шаҳар)ларида ташкил этилди.
- 25 2020 йил ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими” ҳамда 2021 йил ISO 9001 сифат менежменти тизими бўйича сертификатлар қўлга киритилди.
- 26 Интеллектуал мулк агентлиги Адлия вазирлиги тизимига ўтказилди ҳамда унинг ҳудудларда марказлари ташкил этилди.
- 27 Давлат органлари орасида биринчи бўлиб Адлия вазири Р. Давлетов томонидан Facebook ижтимоий тармоғидаги “Халқ билан мулоқот/Диалог с народом” гуруҳида фуқаролар билан онлайн мулоқот ўтказилди.
- 28 Lex.uz — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси мақомига эга бўлди.
- 29 Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича янги тизим жорий қилинди.
- 30 e-ngo.uz — Нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ портал ишга туширилди.



**Тўлқин ТУРСУНОВ,**  
“Мадад” — муассаса шаклидаги  
нодавлат нотижорат ташкилоти  
ижрочи директори

# “МАДАД” — халқнинг ҳуқуқий мададкори

**ЖОНАЖОН Ватанимиз Мустақиллигининг 30 йиллиги нишонланган кунларда “Мадад” — муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилотининг ташкил этилганига ҳам 2 йил тўлди.**

Ҳукуматимизнинг 2019 йил 6 сентябрдаги “Аҳолига ҳуқуқий ахборотни етказиш ва юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан муассаса ва унинг жойлардаги ҳуқуқий маслаҳат бюролари ўз фаолиятини бошлади. Муассасани ташкил этишда дастлаб Адлия вазирлиги ташаббуси билан Буюк Британиянинг “Citizens Advice” мустақил хайрия ташкилоти, шунга ўхшаш бошқа халқаро ташкилотлар фаолиятини ўрганиш асосида аҳолининг ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, онлайн режимда бепул ҳуқуқий маслаҳатлар бериш тизимини самарали йўлга қўйиш мақсадида янги лойиҳа иш бошлади. 2019 йилда Адлия вазирлиги ва Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда “Advice.uz” ҳуқуқий ахборот портали яратилди.

Порталда ижтимоий ҳимоя, оилавий муносабатлар, тадбиркорлик, меҳнат, суд-ҳуқуқ, уй-жой, ер қонунчилиги, коммунал соҳа ва бошқа шунга ўхшаш аҳолини энг кўп қизиқтирувчи масалаларни ўз ичига қамраб олган жами 24 та бўлим ташкил этилган бўлиб, улардаги маълумотлар кўпчилик учун тушунарли, оддий ва раван тилда баён этилган.

Мазкур порталда фойдали ҳаволалар, ҳаётий мисоллар, савол-жавоблар асосида зарур маълумотларни олиш учун қулай имконият яратилган. Агар порталдан фойдаланиш жараёнида бошқа қўшимча саволлар юзага келадиган бўлса, саволларни порталнинг ўзидан туриб онлайн режимда муассасага йўллаш мумкин. Ўз навбатида, бундай саволлар мутахассисларимиз

томонидан қабул қилиниб, реал вақт режимда кўриб чиқиладиган ҳамда мурожаатчиларга тезда жавоб юборилади.

Порталга ўтган икки йил давомида 110 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган. Уларга мутахассисларимиз томонидан онлайн режимда ҳуқуқий маслаҳатлар ва тушунтиришлар берилган.

Албатта, портал муассасамизнинг расмий веб-сайти сифатида мунтазам равишда янгиланиб боришмоқда. Хусусан, АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) билан ҳамкорликда порталнинг янги интерактив шакли ишлаб чиқилиб, яна бир қатор қулайлик ва имкониятлар яратилди. Жумладан, ундан фойдаланувчилар ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини изоҳлар шаклида ёзиб қолдириши, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича онлайн форумда иштирок этиши, мутахассисларимиз томонидан онлайн саволларга берилган жавобларнинг сифатини баҳолашлари мумкин. Бундан ташқари, порталга сайт бўйича “ақлли” қидирув, долзарб янгиликлар, муассасанинг ҳудудий бюрolari тўғрисидаги маълумотлар ва уларнинг жойлашув харитасини аниқлаш каби янги ва интерактив функциялар киритилган.

Ушбу порталдан нафақат республикамизда яшовчи фуқаролар, балки Россия, АҚШ ва бошқа хорижий давлатларда яшовчи фуқаролар ҳам фойдаланади. Ҳозирги кунда ушбу портал хизматларидан фойдаланувчилар сони бир ойда ўртача 50 минг кишини ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, 2020 йил октябрь ойидан бошлаб “Халққа бепул ҳуқуқий ёрдам” телеграм канали ташкил этилди.

Шу кунга қадар ушбу телеграм канали орқали фуқаролардан келиб тушган 30 мингдан ортиқ мурожаатлар юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар ва тушунтиришлар берилди.

Муассасамиз томонидан аҳолига, айниқса, жойларда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларга бирламчи бепул юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида республикамиз бўйича 60 та туман, шаҳарларда ҳуқуқий маслаҳат бюрolari ташкил этилди. Улар жойларда фуқароларга ҳуқуқий масалалар бўйича бепул маслаҳатлар ва тушунтиришлар бериш, тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар намуналарини тақдим этиш ёки бундай ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда яқиндан кўмаклашиш орқали амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Ҳудудий бюрolariмизга ўтган икки йиллик давр мобайнида жами 140 мингга яқин фуқаролар бевосита мурожаат қилишди. Уларга турли ҳуқуқий масалалар бўйича бепул юридик ёрдам кўрсатилди.

COVID-19 пандемияси сабабли республикамизда 2020 йил март ойидан жорий қилинган карантин шароитида муассаса ва ҳудудий бюрolariмизга ушбу вазият билан боғлиқ 4 мингга яқин мурожаатлар келиб тушди. Уларга масофадан туриб зарур ҳуқуқий маслаҳатлар ва тушунтиришлар берилди.

2020 йилда ҳудудий бюрolariмиз ходимлари томонидан адлия органлари билан ҳамкорликда “Бепул ҳуқуқий маслаҳат билан ҳар бир уйга” шиори остида аҳолининг турли тоифалари, хусусан, аёллар ва ёшларга,

уларнинг кундалик ҳаётидаги турли ижтимоий масалалар бўйича бепул ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, яқиндан амалий ёрдам кўрсатилди.

Шу билан бирга, карантин шароитида муассасамиз фақатгина ҳуқуқий маслаҳатлар ва тушунтиришлар бериш билан чекланмасдан, Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда “Биз биргамиз” ижтимоий лойиҳаси доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларга биринчи навбатдаги зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари ва шахсий гигиена воситалари етказиб берилди.

Бундан ташқари, ҳудудий бюрolariмиз ходимлари жойлардаги Халқ қабулхоналари, ҳудудий адлия органлари ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда ўтказилган 2 мингдан ортиқ оммавий ва сайёр қабулларда иштирок этишди.

Фуқароларнинг овозгарчилигини олдини олиш мақсадида адлия ва суд органлари билан ўзаро ҳамкорликда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судлари биноларида “Халққа бепул ҳуқуқий ёрдам” хоналари ташкил этилди. Фуқароларни ўша ернинг ўзида бевосита қабул қилиш, уларга ҳуқуқий маслаҳатлар ва тушунтиришлар бериш амалиёти йўлга қўйилди.

Фуқаролар мурожаатларида баён қилинган долзарб ва муаммоли масалаларни таҳлил қилиб, уларнинг натижасига кўра қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиши ҳам фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан биридир.

Ўтган икки йиллик давр мобайнида амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан киритилган таклифларнинг 10 дан ортиғи қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топди.

Муассасамиз фуқароларнинг ҳуқуқий билим ва саводхонлигини ошириш ҳамда аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш соҳасида давлат органлари, нодавлат ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳам яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйган. Хусусан, Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Халқаро ривожланиш бўйича АҚШ Агентлиги (USAID)нинг Ҳуқуқий ислохотлар дастури, Буюк Британия Ҳукума-

тининг “Government Partnerships International” каби халқаро ташкилотлар, шунингдек, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги, Тошкент давлат юридик университети, Нотариал палатаси ва “Darakchi inform Servis” МЧЖ билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишув битимлари имзоланган. Мазкур ҳужжатлар доирасида бир қатор самарали ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Муассасамиз “Рақамли иқтисодиёт, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тадқиқотлар” мавзусидаги республика танловида иштирок этиб, “COVID-19 инқирозидан зарар кўрганларга ёрдам беришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг энг фаоли” йўналиши бўйича ғолиб деб топилди. Шунингдек, “Биз биргамиз” ижтимоий лойиҳаси доирасида ўтказилган республика танловида ҳам муносиб ўринни эгалладик.

“Мадад” аҳолининг энг яқин ҳуқуқий маслаҳатчисига, “халқнинг ҳуқуқий мададкори”га айланиб бормоқда. Республикаимизнинг турли ҳудудларида яшовчи фуқаролар томонидан йўлланаётган миннатдорчилик хабарлари бизга куч-ғайрат бағишлайди, албатта.

Бундай эътирофларга лойиқ бўлиш учун эса, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини ошириш, аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш борасида янги режалар ва лойиҳалар устида ишлашимиз зурур.

Халқимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллигини кўтаринки руҳда нишонлади. Янги Ўзбекистон ушбу қутлуғ санани ҳар соҳадаги янги-янги ижобий натижалар билан қарши олгани ҳар бир юртдошимизнинг қалбига чексиз қувонч, шукроналик бағишлайди.

Барча азиз юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги байрами билан муборакбод этамиз. “Мадад”нинг аҳил жамоаси доимо халқимизга беминнат ва беғараз ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга тайёр!

Барчамизга ушбу қутлуғ байрам муборак бўлсин!

# МИЛЛИЙ БРЕНДЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИ ВА МУҲОФАЗАСИ — МУҲИМ ЖАРАЁН



**Тўлқин АБДУСАТТОРОВ,**  
Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
Интеллектуал мулк  
агентлиги директори

**МУСТАҚИЛЛИК** йилларида мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳаси жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашиб, интеллектуал мулк объектларини муҳофазалашда янги босқич бошланди. Юртимиз фуқаролари, олимларнинг интеллектуал салоҳияти ва илмий изланишлар кўламини рақамлар орқали қуйидагича ифодаласак бўлади. Интеллектуал мулк агентлигига ихтиро, саноат намунаси, фойдали модель, товар белгиси, ЭХМ дастурлари, селекция навлари каби интеллектуал мулк объектларини муҳофазалаш учун 2018 йилда 8617 та, 2019 йилда 10142 та талабнома келиб тушди. 2021 йилнинг биринчи ярмида эса, бу рақам 7156 тани ташкил этди. Топширилган ишларни таҳлил этадиган бўлсак, уларнинг мураккаблиги, жамиятга наф келтириши, аналоглардан тубдан фарқ қилиши, изланувчиларнинг салоҳияти ортиб бораётганини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 февралдаги “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ Интеллектуал мулк агентлиги Адлия вазирлиги тизимига ўтказилди. Агентликнинг интеллектуал мулк муҳофазаси борасидаги ваколатлари кенгайди. Хусусан, 2019 йилдан бошлаб интеллектуал мулк масалаларига оид суд процесслар сони кескин ортди. Масалан, бу жараён 2016 йилда 60 та, 2017 йилда 85 та, 2018 йилда 89 та, 2019 йилда 60 та, 2020 йилда 218 та, 2021 йилнинг 7 ойи давомида 160 тани ташкил қилди. Суд жараёнларининг аксарияти товар белгиларининг ҳуқуқий муҳофаза этилиши билан боғлиқлиги ўз навбатида тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинаётганидан ҳам далолат беради.

Тадбиркорлик иқтисодиёти-мизнинг муҳим бўғини эканлигини ҳисобга олсак, Агентлик томонидан 2021 йилнинг биринчи ярмида 2349 та миллий товар белгилари ҳамда халқаро Мадрид тизими бўйича 70 дан ортиқ товар белгиси чет элда рўйхатдан ўтказилиши юртимизда бизнес соҳаси тобора ривожланаётганидан далолат беради. Айнан товар белгилари муҳофазаси юртимизда тадбиркорликнинг кенг ривожланиши, ноҳалол рақобатнинг олдини олиш, чет эл инвестицияларини жалб қилишда муҳим ўрин тутди.

Kantar тадқиқот компанияси маълумотларига кўра, дунёдаги энг қиммат бренд Amazon бўлиб, унинг қиймати 683,8 млрд. АҚШ долларини ташкил қилади. Шу

каби брендларнинг қиймати кўпгина давлатлар ялли ички маҳсулотидан ҳам кўп. Мамлакатимизда ҳам миллий брендларнинг яратилиши ва уларнинг муҳофазаланиши жуда муҳимдир. Республикаимизда йилига 4 мингга яқин товар белгилари рўйхатдан ўтади. Бу эса, мамлакат иқтисодиёт тармоқлари ва кўрсаткичлари ошаётганидан далолат беради. Ҳар бир товар белгисининг рўйхатдан ўтказилиши янги тадбиркорлик субъекти пайдо бўлиши, янги иш ўринлари яратилишини англатади. Соҳада махсус кластер яратиш орқали таниқли брендларни яратиш, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, маҳсулотни хорижга экспорт қилишни йўлга қўйиш мумкин.

Яқинда Президентимизнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқоти бўлиб ўтди. Мулоқотда таъкидланганидек, мамлакатимизда ҳар йили яратилаётган иш ўринларининг 90 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келмоқда. Ҳозирги кунда ушбу тармоқда 5 миллиондан зиёд аҳоли, айниқса, ёшларимиз меҳнат қилмоқда. Айниқса, ички ва ташқи бозорда ўз мустақам ўрнига, нуфузи ва брендига эга бўлган ҳақиқий тадбиркорлар синфи шакллана бошлаганини кўриш мумкин.

Айни кунларда Ўзбекистон Республикасининг “Географик кўрсаткичлар тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама қилинмоқда. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши жой номлари билан боғлиқ товарлар ва хизматларни оммалаштириш, мамлакат иқтисодий кўрсаткичини ошириш имконини яратади. Географик кўрсаткич маҳсулот

қаерда таёрлангани, қандай ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини ифодалаб, маҳсулотга оригиналлик тақдим этади. Бу эса, унинг таннархи бир неча баробар ошишига хизмат қилади. “Географик кўрсаткичлар тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши орқали миллий маҳсулотларимиз бўлган Чуст пичоғи, Самарқанд нони, Марғилон адреси, Шеробод анори, Олтиариқ ва Паркент узуми, Хоразм қовуни, Сурхондарё хурмоси каби машҳур маҳсулотларни ҳудудий мансублиги бўйича рўйхатдан ўтказиб, халқаро бозорда фаол тарғиб қилиш мумкин.

Интеллектуал мулк объектларини муҳофазалашда ҳамда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда Президентимизнинг 2021 йил 28 январдаги “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори каттага аҳамиятга эга. Қарорга мувофиқ товар ва хизмат кўрсатиш белгиларини рўйхатдан ўтказиш борасида қатор имтиёзлар белгиланди. Хусусан, 2025 йил 1 январга қадар миллий экспорт қилувчилар томонидан чет элда товар келиб чиққан жой номлари, яъни географик кўрсаткичларни рўйхатга олиш бўйича қилинадиган сарф-харажатлар Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тўлиқ қопланиши белгиланди. Қарорга кўра, экспорт улуши умумий товар айланмасининг 60 фоизидан ортиғини ташкил этадиган экспорт қилувчи, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилик соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари учун товар белгиларини 2021-2022 йилларда мил-

лий рўйхатдан ўтказиш бепул амалга оширилади.

Яна бир муҳим янгиликлардан бири — мазкур қарор асосида Агентлик томонидан [www.baza.ima.uz](http://www.baza.ima.uz) сайти орқали “Патент платформаси”нинг ишга туширилишидир. Мазкур платформага турли хил яратмалар, илмий изланиш натижалари жойлаштирилиб, уларга буюртма бериш имкони яратилди. У тадқиқотчи ва тадбиркор ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини бажариб, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, вилоятлардаги корхоналар ва олий ўқув юртларининг интеллектуал мулк объектлари базасини яратиш, ўз навбатида илмий ишланмаларни ҳаётга татбиқ этишга кўмак беради. Бу амалий ҳаракат натижасида илм-фан ва ишлаб чиқаришни узвий боғлаган ҳолда кластер тузиш, замон талабларига мос ишланмалар яратиш йўлга қўйилади.


Шунингдек, қарорга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Интеллектуал мулк ҳимояси марказлари ташкил этилди ҳамда ҳар йили 15 февралдан 15 мартга қадар республика бўйлаб контрафакт маҳсулотлар реализациясига қарши реал самарали курашни кўзда тутувчи “Контрафактсиз ой” ойлиги ўтказиш белгиланди. Бу орқали тадбиркорларнинг интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бозор иқтисодиёти шароитида ноҳалол рақобатнинг олдини олиш, товар белгиларидан рухсатсиз фойдаланиш ва ўзлаштиришни кескин камайтириш ҳамда аҳолини контрафакт маҳсулотлардан огоҳ этиш таъминланмоқда.

Ўзбекистоннинг интеллектуал мулк соҳасидаги муҳим халқаро шартномаларга қўшилиши орқали тадбиркорлик учун қулай муҳит яратилиши хорижий инвестицияларни жалб қилишда ҳам муҳим омил саналади. Жаҳон тажрибасида интеллектуал мулк объекти таъсирчан ҳуқуқий тизим билан ҳимоя қилинганлиги хорижий инвестициялар кириб келишининг асосий омилларидан бири саналади. Мазкур йўналишда Ўзбекистон интеллектуал мулк-

ка оид бир қатор универсал халқаро шартномаларга, яъни 26 та универсал ҳужжатлардан 15 тасига қўшилган. Айнан шу омиллар АҚШ Савдо вакиллик идораси томонидан ҳар йили эълон қилинадиган “Савдо бўйича ҳамкор давлатларда интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқларга риоя қилиш ва ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ҳисоботда ҳам акс этиб, Ўзбекистоннинг интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги ютуқлари эътироф этилган.

Бугунги кунда Сингапур, Япония, Финляндия, Россия, Қозғоғистон, Арманистон, Туркменистон каби давлатлар интеллектуал мулк соҳасида ўз миллий стратегиясини қабул қилган. Мамлакатимизда ҳам интеллектуал мулк ҳуқуқи муҳофазасини таъминлаш доирасида халқаро меъёрлар талабларидан келиб чиқиб, соҳанинг барча йўналишларини қамраб олишга қаратилган “Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш миллий стратегияси”ни ишлаб чиқиш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу жараёнга Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда хорижий малакали мутахассислар жалб қилинган. Интеллектуал мулк соҳасидаги ислохотлар мамлакатимиз иқтисодиёти ўсишига, тараққиётга ҳисса қўшувчи интеллектуал мулк объектлари яратилишига, илмий изланишларнинг ҳаётга татбиқ этилишига хизмат қилади.

Жамоамиз номидан юртимиз аҳлини Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги билан қутлайман. Мамлакатимиз тинчлиги абадий бўлиши, кенг кўламли ислохотлар бардавом бўлиши, дунё ҳамжамиятида ўзимизга хос мавқега эга бўлишимизда, халқимиз фаровонлиги, Ватанимиз равнақи йўлида олиб бораётган ишларингизда куч-қувват, шижоат тилаб қоламан. Аждодларимиз яратган бой меросимизни қадрлаган ҳолда юртимиз равнақиға ҳисса қўшувчи янги ихтиролар яратишда, илмий изланишлар олиб боришда муваффақият тилайман.




## ФУҚАРО МУРОЖААТИГА панжа ортидан қарашни қачон бас қиламиз?

БАХМАЛ туманининг “Янгиобод” қишлоғида яшовчи фуқаро Қувондиқ Тошбоев якка тартибдаги турар жойи учун кадастр паспортини олишда муаммоларга дуч келди. У уй-жойига тегишли кадастр ҳужжатини тайёрлаш мақсадида туман кадастр идорасига бир неча бор борганлиги, туман ҳокими қарори асосида кадастр ҳужжати расмийлаштирилиши лозим бўлса-да, бу иш пайсалга солиниб, чўзилаётганлигидан норози бўлиб, мазкур муаммони ижобий ҳал этишда амалий ёрдам сўраб, туман адлия бўлимига мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Аниқланишича, Бахмал туман ҳокимининг мулк ҳуқуқи эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарори 2019 йил 29 апрелда қабул қилинган. Мазкур қарор туман адлия бўлими аралашуви билан тегишли тартибда алоқа хати орқали олинди, 2021 йил 3 августда якка тартибдаги турар жойнинг кадастр паспорти шакллантириб берилди. Шу асосда мазкур кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқ 2021 йил 5 августда тегишли реестр билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

**Наби ҚОДИРОВ,**  
Бахмал туман адлия бўлими  
бошлиғи



**НАМАНГАН** вилоят адлия бошқармаси томонидан вилоят “Иссиқлик манбаи” ишлаб чиқариш давлат унитар корхонасида ходимларга иш ҳақини ўз вақтида тўлаш ҳолати мониторинг йўли билан ўрганилди.

## БИР МИЛЛИАРД СЎМЛИК ИШ ҲАҚИ УНДИРИЛДИ



Мониторинг жараёнида 73 нафар бошқарув, ишлаб чиқарувчи, техник ходимларнинг ҳисобланган бироқ, тўланмаган иш ҳақи жами 1 миллиард 10 миллион 917 минг 914 сўмдан иборат эканлиги аниқланди.


Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 161-моддасида меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жаммоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг 154-моддасида иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу Кодекснинг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шартлиги кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги “Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 88-сон қарорининг 3-бандида мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари ходимларга иш ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун шахсан жавобгар эканлиги кўрсатилган.


Юқоридагиларга кўра, Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан Наманган вилоят “Иссиқлик манбаи” ишлаб чиқариш давлат унитар корхонасидаги 73 нафар ишчи ходимларнинг ҳисобланган, бироқ тўланмаган жами 1 миллиард 10 миллион 917 минг 914 сўм иш ҳақини ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судига ариза киритилиб, суд орқали тўланмаган бир миллиарддан зиёд пул маблағи ходимларга тўлаб берилиши белгиланди.

**Дилмурод АҲМЕДОВ,**  
Наманган вилоят адлия бошқармаси  
бошлиғи ўринбосари



ХОВОС туман адлия бўлими томонидан тумандаги “Мустақилликнинг 25 йиллиги” маҳалласи “Учтерак” кўчаси 4-уйда яшовчи фуқаро Ф.Қобировнинг янги паспорт олиш учун тўловни тўлашга амалий ёрдам беришни сўраб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

## ФУҚАРОНИНГ МУАММОСИ ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИГА қўйилди



Адлия ходимлари томонидан унинг яшаш шароити ҳамда ижтимоий аҳволи ўрганилди. Паспортнинг амал қилиш муддати ўтган бўлса-да, фуқаролик паспортини ҳамда ID-картасини олишда давлат божи тўловини тўлашга имконияти йўқлиги учун шу кунга қадар ололмасдан келган.

Шундан сўнг, туман адлия бўлими ходимларининг ташаббуси билан, Ф.Қобировнинг паспорти учун тўловни амалга ошириш бўйича бир марталик моддий ёрдам тайинлаш масаласи халқ депутатлари Ховос туман Кенгашининг VI чақириқ ўттинчи сессияси муҳокамасига қўйилди ҳамда мазкур сессиянинг қарори билан унга 800 минг сўм моддий ёрдам берилиши таъминланди. Ф.Қобирова янги паспортли бўлди.

**Ихтиёр ҚАЮМОВ,**  
Ховос туман адлия бўлими бошлиғи



## ЕТТИ йиллик иш стажини “КУЙМАЙДИГАН” бўлди

ФУҚАРО О.Ф. ёшга доир пенсияга чиққанлиги, лекин пенсия жамғармаси томонидан етти йил ишлаган даври пенсия тайинлашда асоссиз ҳисобга олинмаганлигидан норози бўлиб, Учтепа туман адлия бўлимига амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Мазкур мурожаат ўрганилганда, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Учтепа туман бўлимининг 2019 йил 21 октябрдаги 2023-сонли қарори билан фуқаро О.Ф.нинг 1990-1992 йилларда корпоративда, 1993-1997 йилларда МЧЖда ишлаган вақти ойлик иш ҳақи ва ижтимоий суғурта бадаллари тўғрисидаги архив маълумотлари тақдим қилинмаганлиги сабабли иш стажига қўшиб ҳисобланмаганлиги, лекин архивдан топилмаган ва ҳисобга олинмаган мазкур йиллардаги иш стажини даврлари меҳнат дафтарчасида қайд этилганлиги аниқланди.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 81-моддаси ва “Давлат пен-

сияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан меҳнат дафтарчаси иш стажини тасдиқлайдиган асосий ҳужжат ҳисобланади.

Шу билан бирга, Меҳнат кодексининг 282, 283, 284-моддасига асосан суғурта бадаллари йўқлиги сабабли иш стажини ҳисобга олишни рад қилиш асоссиз ҳисобланади.

Мазкур асосларга кўра, фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида туман адлия бўлими томонидан Тошкент туманлараро маъмурий судига даъво аризаси киритилди ва суднинг ҳал қилув қарорига биноан пенсия бўлимининг қарори ҳақиқий эмас, деб топилди. Фуқаро О.Ф.нинг етти йил ишлаган даврини умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланиши белгиланди ва фуқаронинг пенсия миқдори оширилишига эришилди.

**Отабек НЕГМАТОВ,**  
Учтепа туман адлия бўлими  
бошлиғи



## ИШ ҲАҚИНИ ОЛОЛМАСЛИК МУАММОСИ ҚАЧОН БАРҲАМ ТОПАДИ?

ТААССУФЛАР бўлсинки, кундалик ҳаётимизда айрим давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларнинг қонунни билмаслиги ёки қонунга итоат этмаслиги кўплаб айбсиз фуқароларнинг азият чекишига сабаб бўлмоқда.

Поп туманида яшовчи 50 нафар фуқаронинг туман адлия бўлимига келиб тушган мурожаати ҳам буни тасдиқлади.

Мурожаат муаллифлари тумандаги умумтаълим мактаблари томонидан 2020 йил июль, август ойларидаги иш ҳақлари тўлаб берилмаётганлигидан норози

бўлиб, амалий ёрдам сўраган. Мурожаатни ўрганиш жараёнида аён бўлдики, Поп туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан 2020 йил июль ойида 108 нафар, август ойида эса 113 нафар фуқарога йўлланма берилиб, улар тумандаги умумтаълим мактабларига ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жойлаштирилган. Аммо орадан салкам бир йил вақт ўтса-да, ходимларнинг иш ҳақлари тўлаб берилмаган. Уларнинг Поп туман халқ таълими бўлими ва Поп туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳамда бошқа идоралар-

га қилган мурожаатлари жавобсиз қолган. Масалан, фуқаро Гулнора Юнусовага тумандаги 20-умумтаълим мактабида ишлаган даври учун 1 миллион 229 минг 462 сўм, фуқаро Орзимурод Маҳкамовга эса 12-умумтаълим мактаби томонидан 1 миллион 263 минг 614 сўм иш ҳақи ҳисобланган бўлса-да, тўлаб берилмаган.

Бинобарин, туман адлия бўлими томонидан мурожаат қилган 50 нафар ходимнинг манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро судига даъво аризалари киритилди. Суд томони-

дан даъво аризаларининг барчаси қаноатлантирилиб, ҳисобланган иш ҳақи Поп туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказидан ундирилиши белгиланди.

Шундан сўнг туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан манфаатида даъво ариза киритилмай қолган ходимларни ҳам қўшган ҳолда жами 221 нафар ишчининг 123 миллион 970 минг 770 сўм ойлик маоши тўлаб берилиши таъминланди.

**Азамат ЖЎРАЕВ,**  
Поп туман адлия бўлими  
бошлиғи

**ВАҚТНИНГ ўтишини қаранг. Давлатимиз мустақиллигининг 30 йиллигини нишонлаш арафасидамиз. Жонажон мамлакатимиз бугун навқирон йигит мисоли айни кучга тўлган пайти. Юртимизда рўй бераётган ўзгаришлар ўз вақтида дадиллик билан бошланган ислохотлар самарасидир. Истиқлол йилларида одамларнинг дунёқараши, онгу шуури, яшаш тарзи, ҳаётга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Фаровон яшаш учун интилиб, далил қадам ташлаётган, юрагида ватанпарварлик хисси билан яшаётган юртдошларимиз Ватанимиз равнақи учун сидқидилдан хизмат қилишмоқда.**



# Фаровонлик сари 30 қадам



**Шерзод РАҲМОНОВ,**  
Нарпай тумани ҳокими

**Б**угуннинг одамлари кеча-ги ёрдамлар эмас. Қисқа фурсатда тадбиркорлик сирларини ўзлаштириб, хорижлик ҳамкорлари билан бақамти ишлашмоқда. Қонида тадбиркорлик, ишбилармонлик жўш урган ҳамюртларимиз иқтидори, билими, заковати билан экспорт маҳсулотларини дунё бозорига чиқармоқда. Энг муҳими, Ўзбекистонни, ўзбекни дунё танимоқда.

Ўттиз йил. Кўҳна тарих учун унча катта бўлмаган фурсат. Лекин шуни мамнуният билан айта оламизки, ана шу қисқа даврда юртимизда асрларга татигулик ўзгаришлар бўлди. Бунёдкорлик, ободончилик ишлари қилинди. Буни бутун дунё кўриб, билиб турибди.

Олиб борилаётган ислохотлар натижасида нафақат пойтахтимизда, балки, юртимизнинг олис қишлоқларида ҳам ҳаёт тарзи ўзгарди. Равон йўллар, обод қишлоқлар, файзли хонадонларни кўриб, Мустақиллик берган қутлугъ неъматлардан ҳар бир замондошимиз ҳақли равишда фخرланимиз.

Мустақилликнинг 30 йили нарпайликлар ҳаётида ҳам сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлди. Шу ҳақда туман ҳокими билан суҳбатлашдик.

— Бизнинг туманимиз асосан қишлоқ хўжалигига мослашган, — дейди Нарпай тумани ҳокими Шерзод Раҳмонов. — Туманимизда жами 454 та фермер хўжалиги мавжуд. Уларнинг 242 таси пахта-ғаллачилик, 79 таси боғдорчилик, 6 таси узумчилик, 49 таси чорвачилик, 16 таси бақчилик билан шуғулланилади. Қолган 31 таси сабзавот-полизи-чилик, 23 таси паррандачилик, 8 таси бошқа йўналишдаги

фермер хўжаликлари дидир.

Шуни мамнуният билан айта оламизки, туманимиз аграр соҳада доимо етакчилик қилиб келади. Суяги меҳнатда қотган пахтакор, ғаллакорларимиз ҳар йили мамлакатда биринчилар қаторида белгиланган режаларни ошириб бажариб келишмоқда.

Жорий йилда ҳам 10762 гектар майдонга чигит экдик, ҳар гектар майдондан камида 40 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаяпмиз. Бу йил ғаллачиликда ҳам ишимиз чакки бўлмади. Режадаги 16 минг 95 тонна ўрнига 17 минг 350 тоннадан ортиқ ғалла етиштирилди. Режа қарийб 108 фоизга бажарилди.

Пиллачиликда ҳам яхши натижага эришилди. 271 тонна сифатли хом ашё етказиб берилди. Энг муҳими, туманда етиштирилган пилла 504 минг АҚШ долларига экспорт қилинди. Пиллакорларнинг қозони ҳам, чўмичи ҳам мойга тўлди.

Ҳоким таъкидлаганидек, туман ҳокимлигининг бугунги шиори — одамларни рози қилиш. Бу борада олиб борилган ишлар билан яқиндан танишдик. Туман бандликка кўмаклашиш маркази томонидан жорий йилда 1526 нафар фуқаролар доимий иш ўринларига, 3942 нафар фуқаролар вақтинчалик жамоат ишлари билан яқиндан танишдик. Туман бандликка кўмаклашиш маркази томонидан жорий йилда 1526 нафар фуқаролар доимий иш ўринларига, 3942 нафар фуқаролар вақтинчалик жамоат ишлари билан яқиндан танишдик.

Бандликка кўмаклашиш маркази давлат жамғармаси томонидан субсидиялар ажратилган 97 нафар фуқароларга ишсизлик нафақаси тайинланиб, уларнинг ҳам бандлиги таъминланган. Шу йилнинг якунига қадар қолган 3006 нафар фуқароларнинг бандлиги таъминланади. Энг муҳими, улар тадбиркорликка

жалб қилинади.

Туманда “Ёшлар дафтари” бўйича манзилли ишлар олиб борилаётганлигига гувоҳ бўлдик. “Ёшлар дафтари”га киритилган 3761 нафар ёшларга ижтимоий кўмак кўрсатилган. 3654 нафарнинг бандлиги таъминланган, “Ёшлар дафтари”дан чиқарилган. 107 нафар ижтимоий кўмакка муҳтож ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича манзилли режалар ишлаб чиқилган.

Туман ҳокими билан суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги “Самарқанд вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июлдаги “Самарқанд вилоятида кичик саноат зоналарини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси билан ҳам қизиқдик. Суҳбатдошимиз кичик саноат зоналарининг ташкил қилиниши ва инвестиция лойиҳаларининг ижроси ҳақида гапириб, режадаги лойиҳалар билан ўртоқлашди.

— Ҳозиргача Нарпай туманида иккита кичик саноат зонаси ташкил этилган, — дейди туман ҳокими Ш. Раҳмонов. — Бугунги кунда кичик саноат зонаси ҳудудида умумий қиймати 24084,1 минг АҚШ доллари ҳисобида 17 та лойиҳалар амалга оширилмоқда. “Муқимий” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Зирабулоқ” МТП ҳамда “Тепа” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Оромгоҳ” кичик саноат зонаси-га туман ҳокимлиги томонидан ер ажратиб берилди. Ҳар икки ҳудудда жойлашган саноат зона-сини ҳам аллақачон иш бошлаб, самарали фаолият юритиб келмоқда.

Йил охирига қадар тумани-мизда яна 3 та кичик саноат зонаси иш бошлайди. Бу эса, экспорт салоҳиятининг яна-да ошишига хизмат қилади. Экспорт борасида ишларимиз мақтовга лойиқ. Айтайлик, жорий йил туманнинг экспорт режаси 102 фоизга ошириб бажарилди.

Туманимизда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Жумладан, “SUPER FLOUR” Бирлашган Араб амирлигининг “NBA MARAKAND

DMC” компанияси томонидан дон маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳасини амалга ошириш белгиланган. Лойиҳанинг умумий қиймати 6,5 миллион АҚШ доллари ташкил қилади. Ушбу лойиҳа ишга тушса, 80 та янги иш ўрни яратилади.

Лойиҳа жорий йилнинг октябр ойида ишга тушади. Қўшма инвестиция лойиҳаси борасида ҳам ишлаяпмиз. “Темир жиҳоз сервис” МЧЖ томонидан Озарбайжон давлатининг “BAKI ISTIQBAL LLC” компанияси билан ҳамкорликда қиймати 24,5 миллион АҚШ доллари бўлган, йилига 200 минг тонна арматура ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхона 2022 йилнинг IV чорағида ишга тушади. Ушбу лойиҳа амалга ошиши натижасида 320 та янги иш ўрни яратилади.

Бундан ташқари, “SMARTUNION” ОК томонидан Туркиянинг “BACCOTARIM” SAM VETIK LTD STI компанияси билан ҳамкорликда қиймати 270 минг АҚШ доллари тенг томчилатиб суғориш учун сув филтрлари ишлаб чиқариш лойиҳаси устида ишланмоқда.

Шунингдек, “NARPAY SALOMATLIK SAVDO” хусусий корхонаси томонидан Туркиянинг “BASERMAK DIS TICARET” AS компанияси билан ҳамкорликда қиймати 200 минг АҚШ доллари бўлган қайта ишлаш лойиҳаси ҳам амалга оширилмоқда.

Туманнинг иқтисодий салоҳияти, аграр соҳадаги, саноатдаги ўзгаришлар қувонарли, албатта. Нарпайликларнинг ҳаёти билан яқиндан танишар эканмиз, туманда маънавий-маърифий соҳада, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ишлар, таълим тизимидаги ислохотлар билан ҳам қизиқдик. Туманда турли миллат вакиллари аҳил яшаб келишмоқда. Нарпайда 4 та маданият маркази фаолият кўрсатади. Таълим икки тилда, ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Туманда 71 та таълим масканлари мавжуд. 70 та умумий ўрта таълим мактаби, 1 та “Баркамол авлод” болалар марказида ўқувчи ёшлар илму ҳунар сирларини ўрганиб келишмоқда. Ўқувчи ёшларга 3106 нафар ўқитувчи таълим бериб келмоқда. Туманда олий маълумотли ўқитувчилар сони 2676 нафарни, яъни 86,1 фоизни, олий тоифали ўқитувчилар эса, 86 нафарни ташкил қилади.

Бундан ташқари, туманда 1 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 2 та касб-ҳунар мактаби,

1 та хизмат кўрсатиш техникуми фаолият кўрсатиб келмоқда. Туманда 17495 нафар 3-7 ёшли болалар мавжуд бўлиб, шундан 12155 нафари, яъни 69,5 фоизи жами 200 та мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олинган. Шундан давлат мактабгача таълим муассасаларига 8425 нафар 69,3 фоиз, давлат-хусусий шерикчилик асосидаги мактабгача таълим муассасаларига 205 нафар, оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасаларига 3025 нафар болалар қамраб олинган.


Туман ҳудудида 56 та давлат мактабгача таълим муассасаси бор. 2 та давлат хусусий шерикчилик, 142 та оилавий нодавлат мактабгача таълим мактаби мавжуд.

Нарпай тумани бўйича 2020-2022 йилларда мактабгача таълим муассасалари объек-тларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш дастурига асосан 2020 йилда 270 ўринли, 2021 йилда 480 ўринли, 2022 йилда 1660 ўринли мактабгача таълим муассасалари қурилиши режа-лаштирилган. 2023 йилга қадар давлат, давлат-хусусий шерикчи-лик, оилавий мактабгача таълим муассасалари қурилиши, 6 ёшли болаларни бошланғич таълимга бепул бир йиллик тайёрлаш бўйича гуруҳлар ташкил этиш эвазига қамровни 100 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Истиқлол йилларида туманда тиббиёт масканларига алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда тумандаги 1 та 365 ўринли туман марказий шифохонаси, 2 та оилавий поликлиника, 4 та оилавий шифокорлик пункти ҳам халқ хизматида. Шунингдек, нарпайликларга 15 та тез ёрдам шохобчаси, 1 та кўп тармоқли марказий поликлиника ва унинг Оқтош ҳамда Мирбозор филиал-лари намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Халқимизнинг тинч, осуда, фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, эртанги нурли келажак учун мустаҳкам замин яратиш мустақиллик берган улугъ неъматдир. Нарпайликлар ҳаётида буни яққол сезиш қийин эмас. Нарпайликларнинг турмуш шароити, ҳар соҳада олиб борилаётган ислохотлар билан танишиб, истиқлол йилларида туманда фаровонлик сари 30 қадам дадил қўйилганлигига гувоҳ бўлдик.

**Азим ҚОДИРОВ,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси



### ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

Жиноят-процессуал қонунчилигида “шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш”, “фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш” жиноят процессининг принциплари сифатида кўрсатиб ўтилган. Ушбу тамойилларни таъминлашнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари сифатида мамлакатимизда бир қатор қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилди ҳамда халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди.

Хусусан, “Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши” (1984 йил 10 декабрь) Нью-Йорк Конвенциясига Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 31 августда қўшилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида кўра, жиноят процесси иштирокчилари ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний таъзияк ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд кадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаган ҳолда олинган ҳамда тегишли равишда юридик кучга эга бўлмаган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Президентимизнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизми жорий этиш доирасида одамнинг кадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига мутлақо йўл қўйилмаслиги ва бундай жиноятлар қачон содир этилганидан қатъи назар, улар учун жазо муқаррарлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва

эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида кўра, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан шахсни ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишга ундаш ва бундай ундаш оқибатида содир этилган жиноят учун уни айблаш тақиқланди.

### ТЕРГОВ ВА СУРИШТИРУВ СОҲАСИДА ИНСТИТУЦИОНАЛ ИСЛОҲОТЛАР

Сўнгги йилларда жиноят-процессуал қонунчиликнинг тергов билан боғлиқ нормаларида концептуал ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, жорий йилда мазкур қонунчиликка киритилган ўзгаришларга кўра, Бош прокурор ва унинг ўринбосарлари билан бир қаторда, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари, шунингдек, уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳам жиноят ишини, терговга тегишлилик қоидаларидан қатъи назар, қонунчиликда белгиланган ҳолларда дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказишга ҳақли эканлиги белгиланди.

Ўзига нисбатан қўйилган гумонга, айбловга рози бўлган, жиноятнинг очилишига фаол қўмаклаган ва келтирилган зарарни бартараф этган гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг илтимосномасига асосан назорат қилувчи прокурор билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича “айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув” институти жорий этилди.

Ушбу келишувга кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани суриштирувнинг ва дастлабки терговнинг исталган босқичида бериши мумкин.

Бундан ташқари, 2020 йил 30 июнь куни одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида Давлатимиз раҳбари томонидан бир қатор мутасадди идораларга Тергов институти ташкил этиш, терговчилик касбини эгал-

лашда мутлақо янги талабларни ишлаб чиқиш, соҳага илғор тажриба ва стандартларни жорий этиш вазифалари қўйилди.

Биринчи марта терговчилик лавозимига тайинланаётган номзодлар лавозимига киришишдан олдин камида 3 ойдан 6 ойгача тергов бўлинмаларида стажировка ўташлари мақсадга мувофиқ. Ҳар бир жиноят иши мазмунини инсон тақдир билан бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли ушбу лавозимга киришаётган ҳар бир ходим ўз навбатида зарурий билим ва тажрибага эга бўлиши ўринли.

2019 йилга қадар жиноят ишлари бўйича суриштирувни ички ишлар органлари, Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент ва Мажбурий ижро бюроси, Давлат божхона қўмитаси амалга ошириб келган. 2019 йил 8 июлдаги Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгаришларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳам суриштирув органи сифатида белгиланди.

### СУД-ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясига кўра, суд-тергов фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлаш Концепциянинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори муҳим аҳамиятга эга.

Фармонга кўра, “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизимида яратилган жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни электрон рўйхатга олиш ва уларни кўриб чиқиш натижаларининг ягона электрон ҳисобини юритиш имконини берувчи дастурий модулни барча терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларга уланиши белгиланди.

Бундан ташқари, судлар фаолиятида ҳам рақамли технологиялар кенг жорий этилмоқда. Жумладан, судларга масофадан туриб мурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференц-алоқа тизимидан фойдаланиб иштирок этиш, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд қарорларини интернет тармоғида эълон қилиш, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш тизимлари жорий этилган.

Жорий йилдан бошлаб апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш, барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида “SMS” хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш амалиёти йўлга қўйилмоқда. Барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш амалга оширилмоқда.

Шунингдек, судлар томонидан жарималарни камайитириш ёки уларни қўлламаслик масалаларини кўриб чиқишда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ва бошқа ахборот тизимларининг интеграцияси орқали фуқаронинг мулкӣ ҳолати ва ижтимоий аҳволи ҳақидаги ишончли маълумотлар билан танишиш ҳамда судлар томонидан алимент миқдорини белгилашда туманлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақлари тўғрисида маълумотларни ахборот тизими орқали электрон шаклда олиш белгиланди.

2019 йил 23 майда жиноят-процессуал қонунчилигига киритилган ўзгаришларга кўра, гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар ва айбланувчилар иштирокидаги тергов ҳаракатлари (сўроқ, шахсларни ва нарсаларни таниб олиш, юзлаштириш) мазкур шахсларни улар турган жойдаги ёки яшаш жойидаги вилоятнинг ёки туманнинг ёхуд шаҳарнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органига ёки судига чақирган, техник воситалардан фойдаланган ҳолда видеоконференцалоқа режимида ўткази-

лиши мумкинлиги белгиланди.

### ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАР

Жорий йилдан бошлаб вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашуви-ни сақлаб қолган, суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судлари ташкил этилди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилди.

Жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш, жиноят ишининг умумий тартибда кўриб чиқишига тўсқинлик қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи дастлабки эшитув босқичи киритилди.

Шунингдек, давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда, реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш тартиби жорий этилди.

Бундан ташқари, жиноят-процессуал қонунчиликда янги институт, жиноят ишлари бўйича судлар томонидан амалга оширилаётган “Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув” институти жорий этилди.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари тизимида жиноят-процессуал қонунчилигини ҳам такомиллаштириш, ўз навбатида, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда ҳамда жамият ҳаётида одил судловни самарали таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

**Дилдора БОЗАРОВА,**  
Тошкент давлат юридик университети Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси мудири, юридик фанлар номзоди



**МУСТАҚИЛЛИК** йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Каттақўрғонда ҳам катта ҳажмдаги ўзгаришлар олиб борилди. Бир қатор инвестиция лойиҳалари ишга туширилди. Аҳоли иш билан таъминланмоқда. Маҳсулотларни хорижа экспорт қилиш ҳажми ортди. Саноат, қишлоқ хўжалиги соҳаларида 819 миллиард 599 миллион сўмлик 117 та лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш белгиланган бўлиб, улар аҳолининг турмуш шароитлари янада яхшиланишига хизмат қилади, албатта.

# Каттақўрғонда янги инвестиция лоyiҳалари

— Каттақўрғонда муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш учун 56 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган, — дейди Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Бегзод СОИПОВ. — Мазкур лойиҳалар учун 156 миллиард 47 миллион сўм, ижтимоий соҳа иншоотларини қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 31 та лойиҳага 125 миллиард 48 миллион сўм маблағ ажратилган. Бугунги кунда Каттақўрғонда ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун бир қатор режали ишлар олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, суҳбатдошимиз айтганидек, бугун шаҳарда қўшма корхоналар ташкил этиш, чет

эл инвестицияларини олиб қириш, экспорт салоҳиятини ошириш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Шаҳар ҳокимлиги ва секторларнинг саъй-ҳаракатлари билан Каттақўрғонда саноат хизматлари салоҳиятини ошириш, ишсизлик даражасини қисқартириш мақсадида бир қатор амалий ишлар қилинди. Айниқса, янги иш ўринлари ташкил қилиш, маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, шаҳар ҳудудларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш борасида амалга оширилган ишлар кўзни қувонтиради.

Шаҳарда ҳудудий инвестиция лойиҳалари асосида 2021-2022 йилларда саноат,

хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш дастури асосида қиймати 2 триллион 215,7 миллиард сўм бўлган 58 та инвестиция лойиҳаси ишга тушиши натижасида 1 минг 226 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

— Шаҳримизда жами қиймати 12 миллион АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини ўзлаштириш белгиланган бўлиб, “Маккажўхоридан доривор ёғ ишлаб чиқариш” лойиҳаси амалга оширилмоқда, — дейди Бегзод СОИПОВ бизни қилинган ишлар билан таништирар экан. — Бундан ташқари, қиймати 8 миллион АҚШ долларини ташкил қилувчи

“Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш” лойиҳасини амалга ошириш белгиланган. Лойиҳа учун ер майдони ажратилди. Кўриб турганингиздек, ҳозир ҳар икки лойиҳа устида ҳам амалий ишлар қилинмоқда.

Ҳудудда кейинги йилларда амалга оширилаётган янги лойиҳалар каттақўрғонликлар ҳаётига янги кайфият олиб кирмоқда. Хусусан, бугунгача “Nikel komfort technologies” қўшма корхонаси томонидан “рангли металл қайта ишлаш”, “Самарқанд” МЧЖ томонидан “Ун ишлаб чиқариш” лойиҳалари ишга туширилди. Шаҳримизда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича жами 4 та корхона ташкил этилди. Шундан 3 таси хорижий корхона бўлса, биттаси қўшма корхона. “Kattakurgan sigma cement” МЧЖ шаклидаги хорижий корхона томонидан умумий қиймати 150 минг АҚШ доллари бўлган цемент ишлаб чиқариш, “Premium rulan mangtlan tongve” МЧЖ хорижий корхонаси томонидан умумий қиймати 500 минг АҚШ доллари бўлган “Металл чиқиндиларини қайта ишлаш”, “Progress gold kompleks” МЧЖ қўшма корхонаси томонидан эса, умумий қиймати 300 минг АҚШ доллари бўлган “Ёғни қайта ишлаш”, “Ehsan erfane” МЧЖ шаклидаги хорижий корхона томонидан умумий қиймати 1 миллион доллар бўлган “Ёғ ва маҳаллий чарм хом ашёдан турли хилдаги сумкалар ишлаб чиқариш” лойиҳалари самарали иш бошлади.

Янги лойиҳалар фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, Каттақўрғонда кейинги йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ҳам эътиборли ишлар амалга оширилганлигига гувоҳ бўлдик. Аввало, аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик мавжудлигини аниқлаб, уни қисқартириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилган. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Биргина шу йўналишда 1000 нафарга

яқин хотин-қизларнинг ишга жойлашишига амалий ёрдам кўрсатилган. Юз нафарга яқин хотин-қизларга давлат томонидан субсидия ажратилиб, иссиқхона қуриб берилган.

— Шаҳардаги 200 нафардан ортиқ хотин-қизга вақтинчалик ўзини ўзи банд қилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилди, — дейди суҳбатдошимиз. — 3 ойлик қисқа муддатли ўқув курсларида юздан ортиқ хотин-қизлар қайта ўқитилиб, иш билан таъминланди. Чет элдан қайтган 243 нафар хотин-қизларни тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари ўз вақтида амалга оширилди.

Каттақўрғонда бўлган кунимиз мустақилликнинг 30 йиллигини аҳоли кўтаринки кайфиятда, ёруғ юз билан, шоду хуррамликда кутиб олаётганига гувоҳ бўлдик. Қувонарлиси, шаҳардаги Қозоқ овул массивида 12 қаватли турар жой биноси қуриб, битказилди. Мустақиллик байрами арафасида мингдан ортиқ уй-жойга муҳтож инсонлар ўз бошпанасига эга бўлишди.

Саноат соҳасида ҳам ниятлар қутлуғ, режалар улкан. Жорий йилнинг ўтган олти ойида умумий қиймати 13,2 миллиард сўм бўлган 7 та инвестиция лойиҳалари ишга тушган. Мазкур лойиҳалар ҳисобига 48 та янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, 36 та инвестиция лойиҳалари ишга туширилиб, 157 та янги иш ўрни яратилди. Йил якунига қадар умумий қиймати 205,2 миллиард сўм бўлган 46 та инвестиция лойиҳалари ишга тушади. Қарийб 500 та янги иш ўринлари яратилади.

— Мустақиллигимизнинг 30 йиллигини ана шундай яхши ўзгаришлар, ютуқлар билан кутиб олаёпмиз, — дейди суҳбатдошимиз Бегзод Соипов. — Кўриб турганингиздек, каттақўрғонликлар ҳаётида шунча ўзгаришлар бўлмоқда, аҳолининг турмуш шароитлари яхшиланмоқда. Биз эса, бундан куч-қувват, рағбат оламиз. Йил охиригача белгиланган лойиҳаларни тугаллаб, янги иш ўринлари сонини ошириш ниятидамиз. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

**Азим ҚОДИРОВ,**  
“Инсон ва қонун” мухбири

## ЭЪЛОНЛАР

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 19 августдаги 264-ум-сон буйруғига асосан бошқарма томонидан 2018 йил 21 декабрда берилган АН №000141-сонли лицензия эгаси “Right to liberty” адвокатлик фирмаси адвокати Абдурахманов Хасанбойнинг адвокатлик мақоми ва адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши 2021 йил 19 август кунидан касаллик (1 йилдан ошмаган) муддатга тўхтатилди.

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 19 августдаги буйруғига асосан Андижон шаҳридаги “ADVOKAT NILUFAR MUMINOVA” адвокатлик бюроси адвокати Муминова Нилуфар Абдувахобовнага 2021 йил 30 мартда берилган АН 000288 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва адвокатлик мақоми унинг аризасига кўра тугатилди.

Адлия вазирлиги жамоаси Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги адлия маслаҳатчиси **Холмурод АБРАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Инсон  
ва қонун

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

“Адолат” миллий ҳуқуқий  
ахборот маркази наشري

info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рўйхатга олинган



Бош  
муҳаррир

Қўчқор  
НОРҚОБИЛ

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Акбар Жўрабоевич  
Рабиев Шерзод Миржалилович  
Тожиёв Фурқат Шомуродович  
Искандаров Ёрбек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган  
қўлёзмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.

Навбатчи  
Маруса Ҳосилова  
Саҳифаловчи-  
дизайнер  
Жасур Тожибоев

## Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 4000  
Буюртма — V-4825

Топшириш вақти — 19:00  
Топширилди — 00:30

## МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.

Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5

## Бу қизик

ОТА-ОНАСИЗ ҚОЛГАН  
ХАЙВОН БОЛАЛАРИНИ  
ОЛМАХОНЛАР АСРАБ  
ОЛАДИ

МАЪЛУМКИ, сиз билан биз яшаб турган бу кўраи замин сиру синоатларга, ғаройи-ботларга жуда бой. Уни эшитганингизда ёки кўрганингизда ҳайратланмай иложингиз йўқ. Қуйидаги ғаройиб фактларга ҳам бир эътибор қаратинг-а.

- ✓ Мексикада авокадо мевасининг данагидан бир марталик идишларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур идиш-товоллар табиатни ифлослантирмайди ва 240 кунда бутунлай чириydi.
- ✓ Сайёрамизда ҳар соатда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг 3 та тури йўқолади.
- ✓ Биргина XX асрда Ер юзидан ҳайвонот оламидаги 100 та тур инсон айби билан буткул йўқолган.
- ✓ “Помидор” сўзи итальян тилида “олтин олма” деган маънони англатади.
- ✓ Туркиянинг Истамбул шаҳрида уйсиз ҳайвонларни овқатлантирадиган автоматлар мавжуд.
- ✓ Олмаҳонлар ҳамиша ота-онасиз қолган ҳайвон болаларини асраб олади.
- ✓ Инсон миясидаги бўрмалар сони делфиннинг бош миясига нисбатан 2 баробар кам.
- ✓ Итлар ўз эгаларини кўрганларида уларнинг миясида худди инсон ўз севган кишини кўрганида юз берадиган ҳолат юзага келади.
- ✓ Мушуклар 50 тача сўзни ёдда сақлаб қола олишади. Зарур пайтларда бу сўзларга қарши реакция билдиришади.
- ✓ Австралиядаги қуёнлар сони Хитой аҳолиси билан ҳам кўп.
- ✓ Илон 135-65 миллион йил олдин эчкемалардан таркаган.
- ✓ Энг узун илон 1912 йили Индонезиянинг Целебес оролида отиб ўлдирилган. Унинг узунлиги 10 метрга тенг эди.
- ✓ Тўрт миллион литр тоза ичимлик сувини заҳарлаш учун тўрт литр машина мойи кифоя.
- ✓ Битта дарахт ишлаб чиқараётган кислород бемалол 50 кишининг эркин нафас олишини таъминлайди.
- ✓ Энг тоза ҳаво Австралия яқинидаги Тасмания оролида экан. Чунки оролнинг 3/2 қисми дарахт билан қопланган.
- ✓ Қушлар танасининг ўртача ҳарорати 44 градус.
- ✓ Учи пайтида қуш юраги 1 дақиқада 1000 марта уради.
- ✓ Янги Зеландияда олимларга таниш ягона қанотсиз қуш — киви яшайди, бундан ташқари унинг думи ҳам йўқ, патлари эса жунга ўхшайди.
- ✓ Энг очофат қуш — колибри. Улар ҳар 10 дақиқада овқатланиб, ўз вазнидан икки баравар ортиқ нектар ейди.
- ✓ Почтачи кабутар Шер Ами Биринчи Жаҳон уруши пайтида — “Жасорати учун” медалига сазовор бўлган. У бир кўзи ва оёғидан айрилган, аммо барча топшириқларни адо этган.
- ✓ Дунёдаги энг қиммат турадиган гул Малайзия олтин орхидеяси ҳисобланади. Бу гул 15 йилда бир марта гуллайди.

Мадина ҲАМДАМОВА тайёрлади.

Симобнинг  
ҚОНУНГА  
ХИЛОФ  
МУОМАЛАСИ  
қандай  
тартибга  
солинади?МИНАМАТА  
КОНВЕНЦИЯСИ

МИНАМАТА конвенциясининг тарихи узоққа бормади. Мазкур Конвенция 2013 йил 10 октябрда қабул қилинган бўлиб, унга бугунгача 128 та давлат қўшилган. Конвенция инсонларнинг саломатлиги ва атроф табиий муҳитни симобдан заҳарланиши сабабли пайдо бўлди. Симобнинг антропоген чиқитлари ва унинг бирикмалари ҳаётимиз учун ўта зарарли. Конвенция шу каби салбий оқибатларнинг олдини олишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур халқаро шартнома симоб моддасидан фойдаланиш тартибини, таркибида симоб моддаси бўлган айрим мосламаларни, масалан, тиббиётда ишлатиладиган буюмлар, люминафор лампалар ишлаб чиқарилишини қисқартиришни назарда тутди. Конвенция талаблари бир қанча саноат тармоқлари, шу жумладан, саноат йўли билан қазиб олинмайдиган тоғ-кон қазилмаларини, хусусан, олтин қазиб чиқаришни, цемент ишлаб чиқаришни чеклашни ҳам кўзда тутди.

Минамата конвенциясига асосан 2020 йилдан бошлаб таркибида симобни ўз ичига олган бир неча турдаги маҳсулотларни, масалан, электр батареялари, электр калитларини, айрим турдаги ихчам люминесцент лампалар, совуқ катод ёки ташқи электродли люминесцент лампалар, симоб термометрлари ва қон босимини ўлчовчи асбобларни ишлаб чиқариш, экспорт-импорт қилиш тақиқланди.

Минамата конвенцияси қабул қилинишига сабаб бўлган бир неча омиллар мавжуд эди. Дастлаб Япониянинг Минамата шаҳридаги Кумамото префектурасида 1956 йилда маҳаллий аҳоли ўртасида номаълум касаллик тарқалди. Кейинчалик уни “Минамата хасталиги” деб номлашди. Мазкур касаллик билан хасталанган беморларда умумий ҳолсизлик, нутқ, кўриш ва эшитиш қобилиятининг, онгининг нормал фаолияти бузилиши, баъзида оёқ-қўлларнинг фалажланиши кузатилди. Бу хасталик аксарият ҳолларда ўлимга олиб келиши билан ҳам хавфли эди. Бир неча ойлик тадқиқотлардан сўнг бу касаллик Минамата қўлтиғи яқинида жойлашган “Chisso” кимё заводидан сувга олиб чиқиб ташланаётган симоб моддаси чиқитларини истеъмол қилган балиқлар маҳаллий аҳоли томонидан тановул қилингани оқибатида келиб чиққани аниқланди. Бу металл симобдан заҳарланиш эканлиги маълум бўлди.

1971 йилнинг охирида Ироқда ҳам шунга ўхшаш металл симобдан оммавий равишда ўткир заҳарланиш ҳолати юз берди. Металл симоб билан ишлов берилган дон

уруғининг бир қанча қисми экиш мақсадида Мексикадан Ироққа олиб келинган эди. Лекин у истеъмол учун мўлжалланмаган эди. Айрим сабабларга кўра ушбу дон уруғлари экиш мавсумига кечикиб келтирилганлиги сабабли экилмай қолиб кетди. Энг ачинарлиси, дон уруғлари жойлаштирилган қоплар устида латин тилида “Истеъмол учун мўлжалланмаган” деб ёзилган ёзувларни маҳаллий аҳоли ўқишни билмаганлиги сабабли баъзи қишлоқлар аҳолиси мазкур донни истеъмол қилди. Натижада уларда худди “Минамата касаллиги” каби кўриш ва эшитиш қобилияти, онгининг нормал фаолияти бузилиши, оёқ-қўлларнинг фалажланиши аломатлари кузатилди. Жами ҳисобда оммавий заҳарланишдан 650 нафар ўлим қайд этилди.

Металл суюқ симоб моддаси ўта заҳарли моддалар туркумининг биринчи гуруҳига мансубдир. У +0 градус даражада заҳарли парладиган хусусиятга эга. Шу хусусияти билан ҳам, симоб бошқа металлларга нисбатан жуда хавфлидир. Тарихдан бунга бир қатор мисоллар келтириш мумкин.

XVIII асрда Англияда “Телба шляпадўз” (инглизчада “Mad hatter”) деган ибора машҳур бўлган. Шляпадўзлар бежизга телба саналишмаган. Гап шундаки, ўша даврда шляпанинг мовут матосига ишлов беришда шляпадўз, албатта, суюқ металл — симобни ишлатган. Табиийки, симобнинг парларидан тез-тез нафас олиб турган хунарманд кўп ўтмасдан телба даражасига бориб, ҳалок бўлган.

ЎЗБЕКИСТОН УЧУН  
МИНАМАТАНИНГ АҲАМИЯТИ

2019 йил 30 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармоннинг 2-илувасидаги “Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача мўлжалланган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини 2019 – 2021 йилларда амалга ошириш бўйича Йўл харитаси”нинг 36-бандида Минамата конвенциясига қўшилишнинг мақсадга мувофиқлигини ўрганиб чиқиш ҳақида сўз боради. Йўл харитасида бу борадаги зарур тахлилий материалларни тайёрлаш ва уларни 2019 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилиш Давлат экология қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар томонидан ҳамкорликда амалга оширилиши белгиланган эди.

Мазкур Фармонда Ўзбекистон Рес-

публикасининг Минамата конвенциясига қўшилиши орқали ривожланган давлатларнинг халқаро тажрибаси асосида симоб ҳамда таркибида симоб бўлган моддалар ва товарлар айланмасини бошқариш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни такомиллаштириш имкониятини кўриб чиқиш масаласи кўзда тутилган эди. Бироқ мазкур ишлар ҳамон ўзининг ижобий ечимини топмасдан келмоқда. Бу эса, соҳага оид амалиётда жиноят ҳуқуқини қўллаш борасида бир қатор муаммоларни юзага келтирмоқда.

СИМОБ БИЛАН БОҒЛИҚ  
ЖИНОЯТЛАР

Келинг, шу ўринда бевосита симоб билан боғлиқ қонунни қўллаш амалиётида учраётган муаммога тўхталамиз. Симоб билан боғлиқ жиноятлар ҳақида гапирганда бир нарсани ҳисобга олиш керак. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қизил ёки қумуш рангдаги суюқ металл бўлган симоб моддасининг савдоси тезкор тадбирлар ўтказиш орқали аниқланиб, тегишли тартибда гумонланаётган шахслардан симоб моддаси ашёвий далил тариқасида расмийлаштирилиб, мусодара қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 251-моддаси билан жиноят иши кўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказишга киришилса-да, аслида симоб металл моддаси билан ноқонуний муомала қилганлик учун айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқий асос ҳанузгача мавжуд эмас.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 782-сон қарори билан тасдиқланган “Портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек, портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низом мавжуд. Унинг 1-илоvasи, яъни “Яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш фаолияти лицензияланиши шарт бўлган портловчи ва заҳарли моддалар, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотлар, шунингдек, портлатиш воситаларининг рўйхати”га, хусусан, “Б” заҳарли моддалар рўйхатига “металл симоб моддаси” киритилмаган.

Ваҳоланки, бир қатор хорижий мамлакатлар қонунчилигида симоб моддаси билан қонунга хилоф муомала қилган шахсларни тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликка тортиш амалиёти аллақачон жорий этилган.

Хусусан, Россия Федерацияси Ҳукуматининг 2007 йил 29 декабрдаги 964-сонли Қарори билан металл симоб моддаси заҳарли модда сифатида тан олиниб, мазкур модда билан ноқонуний муомалада бўлган шахслар Россия Федерациясининг Жиноят кодекси 234-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилади.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этиб ўтилган қарори билан тасдиқланган Низомнинг 1-илоvasи, яъни “Яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш фаолияти лицензияланиши шарт бўлган портловчи ва заҳарли моддалар, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотлар, шунингдек, портлатиш воситаларининг рўйхати” — “Б” заҳарли моддалар рўйхатида “хом ашё кўринишидаги металл симоб моддаси”ни ҳам заҳарли модда сифатида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

А.ШАРИПОВ,  
мустақил изланувчи